

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ ВРАЧИНИНГ
ҚАРОРИ

**ТУРАР ЖОЙЛАРДА, ЖАМОАТ БИНОЛАРИДА, АҲОЛИ ЯШАШ ХУДУДЛАРИДА
ВА ДАМ ОЛИШ ЗОНАЛАРИДА РУХСАТ ЭТИЛГАН ШОВҚИН ДАРАЖАСИНИНГ
САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИ**

Техникавий шартлар
(СанҚваМ 0008-20)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 декабрда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 5-сон]

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу санитария нормалари ва меъёрлари турар жойларда, жамоат биноларида, аҳоли яшайдиган ҳудудларда ташқи ва ички манбалардан ҳосил бўладиган шовқиннинг рухсат этилган даражаларини, шунингдек текшириладиган объектда шовқин даражасини ўлчаш, унинг услублари ва уни гигиеник баҳолашга бўлган умумий талабларни белгилайди.

2. Мазкур санитария нормалари ва меъёрлари махсус биноларда (радио, телестудиялар, театр ва кинотеатр заллари, концерт ва спорт заллари), шунингдек аҳоли яшаш ҳудудларида самолёт ва вертолётлар парвоз вақтида, учганда, қўнганда ва аэропортда двигателларни синаб қўнганда чиқадиган шовқинларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу санитария нормалари ва меъёрлари турар жой, жамоат бинолари, технологик, муҳандислик, санитария-техник ускуналарга ва машиналар, транспорт воситаларини лойиҳа, конструкция, технология, сертификация ва эксплуатация талабларни белгилайдиган давлат ва соҳага оид стандартлар ҳамда барча меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилишида ҳисобга олиниши керак.

4. Мазкур санитария нормалари ва меъёрлари кучга кириши билан Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари томонидан 2009 йил 19 июнда 0267-09-сон билан тасдиқланган Турар жой биноларида, жамоат бинолари ва уй — жой қурилиши ҳудудларида рухсат этиладиган шовқин меъёрларидан ошмаслигини таъминлашга қўйиладиган санитария қоидалари ва нормалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу санитария нормалари ва меъёрларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

товуш босими — ўзгарувчан ҳаво босими бўлиб, товуш тебраниши натижасида пайдо бўлади;

доимий бўлмаган шовқин — вақтда ўзгарадиган шовқин, товуш даражаси вақт ичида 5дБА дан ортиқ бўлмаган узлуксиз равишда ўзгаради (мисол учун, автотранспорт воситаларида ҳосил бўлувчи шовқин);

товушнинг эквивалент даражаси, $L_{АЭҚВ}$, дБА, доимий бўлмаган шовқин — доимий шовқин даражасининг шундай ўртача квадрат товуш босимига эга ва бу аниқ вақт давомидаги доимий бўлмаган шовқин;

рухсат берилган шовқин даражаси — бундан даража, одам организмнинг шовқинга сезгир бўлган функционал тизимлари ва анализаторлари ўзгаришига олиб келмайди ҳамда инсонда ҳавотир келтириб чиқармайди;

кенг чизиқли шовқин — кенглиги 1 октавадан ортиқ бўлган узлуксиз спектрли шовқин;

тонал шовқин — шовқин спектрида яққол намоён бўладиган алоҳида (дискрет) товушларга эга ва частоталарни 1/3 октава чизиқларида ўлчанганда ёнма-ён жойлашганлардан 10дБА га ортиб кетиши;

импульсли шовқин — ушбу шовқин бир ёки бир неча товушли сигналлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бири 1 секунддан кам бўлган давомийликка эга ва шу билан бирга

«импульс» ва «секин» вақтга оид тавсифларда дБАда ўлчанган товуш даражалари 7дБА дан кам бўлмаган даражаларда фарқ қилади.

2-боб. Ўлчов ва меъёрлаштирилган бирликлари

6. Меъёрлаштирилган доимий бўлмаган шовкин товушининг эквивалент даражаси $L_{Aэкв}$, дБА ва товушни максимал даражаси $L_{Aмакс}$, дБА ҳисобланади. Рухсат этилган шовкин даражасига мувофиқлиги бир вақтда иккита кўрсаткич билан баҳоланади, битта кўрсаткич юқори бўлса, бу ҳолат ҳужжатда белгиланган меъёрга жавоб бермайди деб ҳисобланади.

7. Доимий бўлган шовкинни меъёрий даражаси товуш босими даражаси L , дБА ҳисобланади, частоталарни октава чизиқларида 31,5, 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000, 8000 Гц ли ўртача геометрик частоталар билан (товуш босимини октава даражалари), мўлжалланган баҳолаш учун товушни умумий даражаси L_A , дБА.

8. Турар жойлар ва жамоат биноларида (форточкаларда, фрамугаларда, деразалардан бирининг табақаси очик ҳолда) ва аҳоли яшаш ҳудудларида эквивалент товуш даражаси (ташки, ички манбаларда) ва товуш босимининг октавалар бўйича рухсат этилган даражалари шовкин тавсифи ва кундузги ёки тунги вақтлар ҳисобга олган ҳолда 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

| Т/р | Бино ёки ҳудудларнинг номлари | Сутканинг вақтлари | Товуш босими даражалари, дБ, ўртача геометрик частоталар билан октава бандлари частоталарида, Гц | | | | | | | | | Товуш даражалари, L_A ва товушни эквивалент даражалари, $L_{Aэкв}$, дБА | Товушни максимал даражалари, дБА |
|-----|---|-------------------------------------|--|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|--|----------------------------------|
| | | | 31,5 | 63 | 125 | 250 | 500 | 1000 | 2000 | 4000 | 8000 | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 1. | Шифохона, клиника ва санаторийлар палаталари ҳамда операция хоналари | соат 7 дан 23 гача 23 дан 7 гача | 76 69 | 59 51 | 48 39 | 40 31 | 34 24 | 30 20 | 27 17 | 25 14 | 23 13 | 35 25 | 50 40 |
| 2. | Поликлиника, амбулатория, диспансер, шифохона, санаторий ва клиникалардаги врачлар хоналарида | - | 76 | 59 | 48 | 40 | 34 | 30 | 27 | 25 | 23 | 35 | 50 |
| 3. | Синф, ўқув ва ўқитувчиларнинг хоналари, таълим муассасалари аудиториялари, анжуманлар ва семинарлар ўтказиш учун заллар, масжидлар, кутубхоналар ўқиш залларида | - | 79 | 63 | 52 | 45 | 39 | 35 | 32 | 30 | 28 | 40 | 55 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|----------|--|--|----------|----------|----------|----------|----------|----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| 4. | Хонадонларнинг яшаш хоналари, дам олиш уйлари, пансионатлар, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатларининг ётоқхоналарида | Соат 7 дан 23 гача 23 дан 7 гача | 79 72 | 63 55 | 52 44 | 45 35 | 39 29 | 35 25 | 32 22 | 30 20 | 28 18 | 40 30 | 55 45 |
| 5. | Меҳмонхона ва кемпинглар хоналари ва ётоқхоналарнинг яшаш хоналарида | 7 дан 23 с 23 дан 7 с | 76 | 67 59 | 57 48 | 49 40 | 44 34 | 40 30 | 37 27 | 35 25 | 33 23 | 45 35 | 60 50 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 6. | Кафе, ресторан, бар ва ошхоналарнинг овқатланиш залларида | - | 90 | 75 | 66 | 59 | 54 | 50 | 47 | 45 | 43 | 55 | 70 |
| 7. | Бозорлар ҳудудларида, дўконларнинг савдо залларида, аэропорт ва вокзалларнинг йўловчилар залларида, маиший хизмат корхоналари қабул пунктларида | - | 93 | 79 | 70 | 63 | 59 | 55 | 53 | 51 | 49 | 60 | 75 |
| 8. | Шифохона, клиника ва санаторийлар билан бевосита туташган ҳудудларда | соат 7 дан 23 гача соат 23 дан 7 гача | 83 76 | 67 59 | 57 48 | 49 40 | 44 34 | 40 30 | 37 27 | 35 25 | 33 23 | 45 35 | 60 50 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|-----|--|--|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| 9. | Аҳоли яшайдиган уйлар, поликлиникалар, амбулаториялар, диспансерлар, дам олиш уйлари, пансионатлар, қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйлар, мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва бошқа ўқув юртлари ҳамда кутубхоналар билан бевосита туташган ҳудудларда | соат 7 дан 23 гача соат 23 дан 7 гача | 90 83 | 75 67 | 66 57 | 59 49 | 54 44 | 50 40 | 47 37 | 45 35 | 43 33 | 55 45 | 70 60 |
| 10. | Меҳмонхоналар, кемпинглар ва ётоқхоналар бинолари билан бевосита туташган ҳудудларда | соат 7 дан 23 гача соат 23 дан 7 гача | 93 86 | 79 71 | 70 64 | 63 54 | 59 49 | 55 45 | 53 42 | 51 40 | 49 39 | 60 50 | 75 65 |
| 11. | Шифохона, клиника ва санаторийлар ҳудудларидаги дам олиш жойларида | - | 79 | 63 | 52 | 45 | 39 | 35 | 32 | 30 | 28 | 40 | 55 |

Изоҳ. ташқи ҳамда ички манбалардан ҳосил бўлаётган шовқин импульсли ёки тонал тавсифга киради, жадвалда кўрсатилган меъёрларга қараганда 5дБА дан паст қабул қилинади.

9. Ёпиқ концерт заллари, дискотека ва тунги клублар, ресторан, кафе, барлар ва бошқа умумий овқатланиш шаҳобчалари, очик жойлардаги концерт ва рақс майдонлари, истироҳат боғлари, боғлар ва дам олиш зоналарида товушни кучайтирувчи ва товуш чиқарувчи қурилмалар жойлаштирилганда товушнинг эквивалент даражаси LAэқв, дБА, товушни максимал даражаси LA макс., дБА, 2-жадвалда кўрсатилганидан юқори бўлмаслиги керак.

2-жадвал

| Объект номлари | Ўлчаш ўтказиш жойлари | Товушнинг рухсат этилган даражаси, дБА | |
|---|---|--|--------------------|
| | | LA экв (эквивалентли) | LA макс (максимал) |
| 1. Концертлар вақтида концерт ва бошқа залларда | Партернинг биринчи 5 қатордаги томошабин ўриндиклари олдида | 85 | 90 |
| 2. Дискотека ва тунги клуб залларида | Товуш манбасидан 2м масофада | 85 | 90 |

| | | | |
|---|--|----|----|
| 3. Электроакустик қурилмалар билан музика чалинганда ресторан, кафе, бар ва бошқа умумий овқатланиш шаҳобчалари залларида | Товуш манбаларига яқин бўлган столлар олдида | 65 | 70 |
| 4. Истироҳат боғлари, боғлар ва дам олиш зоналарида очик концерт ва рақс майдонларида | Товуш манбасидан 2м масофада | 85 | 90 |

10. Товуш чиқарувчи қурилмалар истироҳат боғлари, боғлар ва дам олиш зоналарининг очик концерт ва рақс майдонларида жойлаштирилганда товуш чиқарувчи қурилмалар колонкаларини турар жой биноларига қарама-қарши томонга ўрнатиш, турар жойларда шовқин даражасини камайтириш учун шовқиндан ҳимоя қилиш бўйича ҳисобланган чора-тадбирлар мажмуи ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилади, чунки аҳоли турар жойлари тадбирлар ўтказилаётган жойга яқин жойлашган бўлиши мумкин.

3-боб. Шовқин даражаларини текширишга ва ўлчов асбобларига бўлган умумий талаблар

11. Товуш босими октава (дБ) даражалари, товушнинг эквивалент (дБА) даражалари, товушнинг максимал (дБА) даражалари 23337-14-сон «Турар жойларда, жамоат бинолари ва аҳоли яшаш ҳудудларида шовқинни ўлчаш услублари» давлатлараро стандартга мувофиқ ўлчанади.

12. Транспорт магистралларида акустик режимни текшириш 20444-2014-сон «Шовқин. Транспорт оқимлари. Шовқин тавсифини ўлчаш услублари» давлатлараро стандартга (ISO 1996-1:2003, NEO) мувофиқ олиб борилади.

13. Аҳоли яшаш ҳудудларидан учиб ўтадиган самолётлар шовқини 22283-14-сон «Авиацион шовқин. Аҳоли яшаш ҳудудларида рухсат этилган шовқин даражалари ва ўлчаш услублари» давлатлараро стандарт бўйича ўлчанади ва гигиеник баҳоланади.

14. Турар жой ва жамоат жойларида ҳамда аҳоли яшаш ҳудудларида шовқин даражасини ўлчаш амалдаги меъёрлар бўйича рухсат этилган шовқин миқдорини аниқлаш, шовқинни камайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва ушбу тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, йўл тармоқлари шовқин картасини тузиш мақсадида, шунингдек аҳолининг мурожаатларига асосан ўтказилади.

15. Шовқинни ўлчаш учун 1 ёки 2 синфдаги октава филтрли шовқинни ўлчаш воситаларидан фойдаланилади, зарурият бўлганда шовқин даражаси ёзиб борадиган асбоб, магнитофон, шовқин даражасини статистик тақсимлайдиган анализатор, осциллограф, шовқиннинг калибрли эталони (пистонфон) ва бошқа асбоблардан фойдаланиш мумкин. Шовқинни ўлчашда қуйидагилар асбоблардан фойдаланиш тавсия қилинади:

«ВШМ-201» кичик ҳажмли шовқин ўлчагич, «ШВИЛ-001» шовқинни логарифмлайдиган виброинтегратор, шовқин ва тебранишни ўлчайдиган Ассистент TOTAL (SIU V3RT) — НТМ-Ҳимоя; «ВШВ-003-М2» «ВШВ-003-М3» (Россия), ҳар хил ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг шовқин ўлчагичлари «РФТ» (Германия), «Брюль и Кьер» мажмуалари (Дания) ва бошқалар.

Барча асбоблар ҳар йили «Ўзстандарт» агентлиги томонидан метрологик назоратдан ўтказилиши керак.

4-боб. Шовқиннинг салбий таъсир қилишини олдини олиш бўйича тадбирлар

16. Аҳолини шовқиндан ҳимоя қилиш инженер-техник ва ташкилий тадбирлар натижасида таъминланади.

17. Инженер-техник чора-тадбирлар (товушни изоляция қилиш, биноларни акустик жиҳатдан оқилона лойиҳалаштириш, вентиляция ва кондиционерлаш тармоқларида шовқинни пасайтиришни жорий этиш, хоналарга акустик ишлов бериш) ва назарий ҳисобга кўра, 2.01.08-96-сон «Шовқиндан ҳимоя» ҚМКга мувофиқ, объектларда шовқинни камайтириш бўйича

шовқинни ҳимояловчи махсус экранлар ўрнатиш ва дарахтзорлар ташкил этиш бўйича амалга оширилади.

18. Ташкилий чоралар сифатида кундузги вақтда 80дБА дан юқори даражада шовқин ҳосил қиладиган шовқинли транспорт воситаларни ва реактив самолётларни ҳаракатланишини чеклаш чоралари кўрилиши зарур.

19. Аҳоли яшаш ҳудудларида радиофикация максимал даражада чекланиши лозим, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳудудий органлари томонидан турар жой биноларидан 2 метр масофа узоқликда, дам олиш жойлари чегаралари, уйлари, санаторий ҳудудлари ва бошқа объектларда рухсат этилган шовқин даражасидан ошиб кетмаслиги шарти билан рухсат берилди.

20. Концерт, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда товуш чиқарувчи ва товушни кучайтирувчи қурилмалардан фойдаланиладиган ансамблларни ва бошқа гуруҳларнинг мусиқа асбобларини товуш даражалари ушбу тадбир ўтказилаётган объектларда (ресторан, кафе, тантана уйлари ёки аҳоли яшаш (маҳаллалар) ҳудудлари) кундузи ва тунги вақтлар учун рухсат этилган даражалардан ошиб кетиши мумкин эмас.

21. Концертларда, тўйларда, юбилейларда ва бошқа тантаналарда овозни такрорлайдиган ва овозни кучайтирадиган асбоблардан фойдаланадиган мусиқа ансамбллари ва бошқа мусиқа гуруҳлари мусиқа асбобларининг шовқин даражаси соат 23.00 дан сўнг ушбу тадбирлар бўлиб ўтадиган объектлар (ресторан, кафе, тадбир уйлари ва бошқа очиқ ҳудудлар заллари (маҳаллалар) учун белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслиги керак.

22. Турар жойларда яқка тартибда ёки жамоат меҳнат фаолияти амалга ошириладиганда қўшни яшаш хоналарига кириб борадиган шовқин даражаси кундузи ҳам, кечаси ҳам бу хоналар учун октава товуш босими (дБ) ва товуш эквиваленти (дБА) даражаларидан ошиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.К. ЮСУПАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 декабрь,
0008-20-сон